

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

642 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 13 октябрдаги ПФ-4658-сон Фармони аналга ошириш чора-тадбирлари ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 13 октябрдаги ПФ-4658-сон Фармонига мувофиқ, тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ва сифатини ошириш ҳамда санаторийда соғломлаштириш ҳисобига уруш ва меҳнат fronti фахрийларининг саломатлигини мустаҳкамлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини (кейинги ўринларда уруш ва меҳнат fronti фахрийлари деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларига қарашли санаторий-соғломлаштириш муассасаларида соғломлаштириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

уруш ва меҳнат fronti фахрийларини Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларига қарашли санаторий-соғломлаштириш муассасаларида соғломлаштириш схемаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги:

Ногиронларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий маркази тузилмасида ходимларининг сони 4 нафардан иборат бўлган Уруш ва меҳнат fronti фахрийларини санаторийларда соғломлаштиришни ташкил этиш бўлинмаси ташкил қилсин;

ўн кун муддатда уруш ва меҳнат fronti фахрийларини санаторийларда соғломлаштиришни ташкил этиш бўлинмаси тўғрисида низомни тасдиқласин, унда ходимларга бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобига лавозим маошининг 50 фоизигача миқдорда устама белгилашни назарда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2014 йил 30 декабргача бўлган муддатда барча уруш ва меҳнат fronti фахрийлари яшаш жойидаги соғлиқни сақлаш муассасаларида диспансеризациядан ўтказилишини таъминласин, унинг натижаларига кўра ҳар бир уруш ва меҳнат fronti фахрийсига санаторийда соғломлаштиришнинг тавсия этилган йўналишини кўрсатган ҳолда санаторий-курорт картаси очсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Нуроний» жамғармаси билан биргаликда:

2015 йил 20 январгача бўлган муддатда — уруш ва меҳнат fronti фахрийларини 2015 йилда санаторийларда соғломлаштиришга йўлланмалар ажратиш учун уларнинг рўйхатлари шакллантириш ишлари ташкил этилишини;

2015 йил 1 февралгача бўлган муддатда — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига 2015 йилда йўлланмаларни тақсимлаш режасининг, ҳар бир санаторийда уруш ва меҳнат fronti фахрийларини соғломлаштириш учун ҳар бир ойда ажратилган йўлланмалар сонини кўрсатган ҳолда ишлаб чиқилишини ва тасдиқлашга тақдим этилишини;

2015 йил 15 февралгача бўлган муддатда — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган чекланган суткалик харажатларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Санатория-курортлар бошқармаси, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари санаторийлари билан 2015 йилда уруш ва меҳнат fronti фахрийларини соғломлаштириш юзасидан шартномалар тузилишини;

2015 йил 1 мартдан бошлаб — уруш ва меҳнат fronti фахрийларига 2015 йил учун соғломлаштиришга йўлланмалар берилишини таъминласин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ногиронларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий марказини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 17 майдаги 89-сон қарори 3-иловасига мувофиқ кўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирайсин

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 24 декабрь,
361-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 24 декабрдаги 361-сон қарорига
1-ИЛОВА

**1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti
фахрийларини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини
ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига, Ўзбекистон Касаба
уюшмалари Федерацияси Кенгашига ҳамда давлат ва хўжалик
бошқаруви органларига қарашли санаторий-соғломлаштириш
муассасаларида соғломлаштириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 13 октябрдаги ПФ-4658-сон Фармониға мувофиқ 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини (кейинги ўринларда уруш ва меҳнат fronti фахрийлари деб аталади) санаторий-соғломлаштириш муассасаларига (кейинги ўринларда санаторийлар деб аталади) юбориш тартибини, шунингдек уларни соғломлаштириш шарт-шароитларини, муддатларини ва давомийлигини, йўлланмалар қийматини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тўлаш тартибини белгилайди.

2. Уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ўзлари учун мақбул муддатларда йилига бир марта Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари санаторийларида ўн икки кунлик соғломлаштириш курсидан текин ўтиш ҳуқуқига эга.

Уруш ва меҳнат fronti фахрийларини соғломлаштириш амалга ошириладиган санаторийлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда «Нуроний» жамғармаси томонидан белгиланади ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосарига киритилади.

3. 1-гурӯх ногиронлиги бўлган уруш ва меҳнат fronti фахрийлари бир нафар кузатувчи шахс учун қўшимча текин йўлланма олиш ҳуқуқига эга.

Уруш ва меҳнат fronti фахрийларининг бошқа тоифалари ушбу санаторийда бўш ўрин мавжуд бўлган тақдирда кузатувчи шахс учун тўлов асосида қўшимча йўлланма олиш ҳуқуқига эга.

4. Уруш ва меҳнат fronti фахрийларини санаторийларда соғломлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Йўлланмаларни тақсимлаш режасига мувофиқ амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда давлат

ва хўжалик бошқаруви органлари ўзларига қарашли санаторийларда, уруш ва меҳнат fronti фахрийларини соғломлаштириш учун ўринлар сони параметрларидан келиб чиққан ҳолда, ўринлар фонди (квотаси)нинг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда жой ажратадилар.

II. Уруш ва меҳнат fronti фахрийларини соғломлаштириш йўналишларини аниқлаш

6. Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари ҳар йили 1 сентябргача бўлган муддатда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларига уруш ва меҳнат фахрийлари рўйхатларини тақдим этадилар.

7. Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари ҳар йили уруш ва меҳнат фахрийлари рўйхатлари олингандан кейин ўн кун муддатда рўйхатларни уруш ва меҳнат фахрийлари яшайдиган жойдаги тиббиёт муассасаларига етказадилар.

8. Тиббиёт муассасалари туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари томонидан тақдим этилган уруш ва меҳнат фахрийлари рўйхатлари бўйича ҳар йили 15 октябргача бўлган муддатда уруш ва меҳнат фахрийларини мажбурий диспансеризациядан ўтказадилар, унинг натижаларига кўра санаторийда соғломлаштиришнинг зарур йўналиши аниқланади.

9. Уруш ва меҳнат fronti фахрийсини диспансеризациядан ўтказиш натижалари асосида унинг тиббий картасида санаторийда соғломлаштиришнинг зарур йўналиши ва зид кўрсатмалар (улар мавжуд бўлганда) кўрсатилган ҳолда тегишли ёзув қайд этилади.

10. Тиббий картадаги ёзув асосида тиббиёт муассасаси уруш ва меҳнат fronti фахрийсига белгиланган шаклдаги санаторий-курорт картаси расмийлаштирилади, ушбу карта расмийлаштирилган кундан бошлаб икки ой мобайнида амал қилади ва йўлланма олиш учун асос ҳисобланади.

Зарурият бўлганда, уруш ва меҳнат fronti фахрийсининг саломатлиги ўзгарган тақдирда санаторий-курорт картасига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

11. Тиббиёт муассасалари ҳар йили 20 октябргача бўлган муддатда диспансеризациядан ўтган уруш ва меҳнат fronti фахрийларининг рўйхатини соғломлаштиришнинг талаб қилинадиган йўналишини ва тавсия этилаётган муддатини кўрсатган ҳолда тузадилар, рўйхатни туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига тақдим этадилар.

12. Тиббиёт муассасаси раҳбари уруш ва меҳнат fronti фахрийларини диспансеризациядан ўтказишнинг белгиланган муддатлари таъминланиши учун, шунингдек тиббиёт ва санаторий-курорт картасида соғломлаштиришнинг зарур йўналиши тўғрисидаги ёзувларнинг тўғрилиги ва уларнинг фахрийнинг саломатлиги ҳолатига мос келиши учун шахсан жавоб беради.

III. Йўлланмалар олиш учун муружаат қилиш ва уларни олиш

13. Санаторийга йўлланма олиш учун уруш ва меҳнат fronti фахрийлари туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича ариза;

паспортининг нусхаси;

уруш фахрийси гувоҳномаси ёки 1941 — 1945 йилларда меҳнат фронтида қатнашганлик тўғрисидаги ҳужжат нусхаси;

соғломлаштиришнинг тавсия этилган йўналиши ва мавжуд зид кўрсатмалар ёзилган санаторий-курорт картаси.

Кузатувга муҳтож бўлган 1-гурӯх уруш ногирони ўзини кузатиб бораётган шахс тўғрисидаги маълумотларни (паспортининг нусхаси ва ушбу шахс ногиронни амалда парвариш қилаётганлиги тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотномасини) ҳам тақдим этади.

Тақдим этилган ҳужжатлар ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича Аризаларни рўйхатдан ўтказиш дафтарида рўйхатдан ўтказилади.

14. Туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари ариза берган шахслар рўйхатини соғломлаштиришнинг зарур йўналишини ҳамда хоҳиш билдирилган муддатини кўрсатган ҳолда шаклантирадилар, ушбу рўйхатни «Нуроний» жамғармаси бўлинмаларида келишадилар ва 15 ноябргача бўлган муддатда Ногиронларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий марказига йўлланмалар ажратиш тўғрисида буюртманома тақдим этадилар.

15. Йўлланмалар тушганда туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази уч кун муддатда бу ҳақда уруш ва меҳнат fronti фахрийларини хабардор қилади ва соғломлаштириш учун йўлланмаларни расмийлаштиради.

16. Тушган йўлланмаларни тегишли санаторийларга расмийлаштириш уруш ва меҳнат fronti фахрийсининг фамилияси, исми, отасининг исми, муҳр билан тасдиқланган йўлланмани берган муассаса номи кўрсатилган ҳолда туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан амалга оширилади.

Туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази йўлланмаларнинг уруш ва меҳнат fronti фахрийларининг яшаш жойига етказилишини таъминлайдилар.

17. Йўлланма унда кўрсатилган муддатда ҳақиқий ҳисобланади.

Уруш ва меҳнат fronti фахрийси саломатлигининг ҳолатига ёки бошқа асосли сабабларга кўра йўлланмадан белгиланган муддатда фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган тақдирда, йўлланмада кўрсатилган санаторийга келиш муддатидан камида 15 кундан кеч бўлмаган муддатда бу ҳақда, фахрийнинг истагини ҳисобга олган ҳолда, йўлланманинг амал қилиш муддати кейинги чоракдан олдин бўлмаган муддатга кўчириш тўғрисида туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш

марказига хабар бериши шарт. Йўлланмада кўрсатилган муддатларни календарь йил мобайнида икки мартадан ортиқ кўчиришга йўл қўйилмайди. Бошқа ҳолларда ушбу йил учун йўлланма фойдаланилган ҳисобланади.

18. Санаторийда соғломлаштиришдан ихтиёрий равишда воз кечилганда йўлланма навбатлилик тартибида бошқа уруш ва меҳнат fronti фахрийсига расмийлаштирилиши мумкин.

IV. Йўлланмаларни тақсимлаш ва ажратиш

19. Ҳар бир санаторий бўйича уруш ва меҳнат fronti фахрийларини соғломлаштириш учун ойларга тақсимлаган ва ажратилган ўринлар сони кўрсатилган ҳолда йўлланмаларни тақсимлаш режаси ҳар йили 1 декабргача бўлган муддатда Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ва «Нуроний» жамғармаси томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилгандан кейин Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари томонидан тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади.

Йўлланмаларни тақсимлаш режаси соғлиқни сақлаш муассасаларида диспансеризациядан ўтган уруш ва меҳнат fronti фахрийларининг сони ва соғломлаштириш йўналиши тўғрисидаги маълумотлар асосида шакллантирилади.

20. Йўлланмаларни тақсимлашнинг тасдиқланган режасига мувофиқ Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази, идоравий мансублигидан қатъи назар, келгуси календарь йил учун ўринлар ажратишнинг ойлар бўйича режасини санаторийларга етказилади.

21. Зарурат бўлганда, йил мобайнида Йўлланмаларни тақсимлаш асосли сабаблардан (тиббий кўрсаткичлар, уруш ва меҳнат fronti фахрийларининг рад этиши ва шу кабилардан) келиб чиққан ҳолда ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Ўзгартиришлар Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда «Нуроний» жамғармаси билан келишилган ҳолда киритилади.

Ушбу ҳолатда Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ҳар чорак охириг ойининг 25-санасигача бўлган муддатда келгуси чорак учун ўринлар ажратишнинг тузатишлар киритилган параметрларини санаторийларга етказилади.

22. Йўлланмаларни тақсимлашнинг тасдиқланган йиллик режасига мувофиқ Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ҳар қайси йилнинг биринчи ўн кунлигидан кечикмай Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Санаторий-курортлар бошқармаси, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг санаторийлари билан кейинги йил учун уруш ва меҳнат fronti фахрийларини соғломлаштириш юзасидан шартномалар тузади, уларда уруш ва меҳнат fronti фахрийлари учун бериладиган ўринлар сони ҳамда соғломлаштириш қиймати кўрсатилади.

Уруш ва меҳнат fronti фахрийларини соғломлаштириш юзасидан шартномалар танлов савдолари ўтказилмасдан тузилади.

23. Ўйланмаларни тақсимлаш режасига ва санаторийлар билан тузилган шартномаларга мувофиқ санаторийлар уруш ва меҳнат fronti фахрийларини қабул қилишни таъминлайдилар.

24. Ўйланмаларни ажратиш Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази томонидан, туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари шакллантирган буюртманомаларга мувофиқ амалга оширилади.

Ўйланмалар уруш ва меҳнат fronti фахрийлари яшайдиган минтақада жойлашган санаторийларга ажратилади. Ушбу минтақада талаб қилинадиган соғломлаштириш йўналишидаги санаторий мавжуд бўлмаган тақдирда йўланма соғломлаштиришнинг тегишли йўналишидаги энг яқин санаторийга ажратилади.

Ажратилган йўланмалар санаторийга етиб келишнинг белгиланган санасигача бир ойдан кеч бўлмаган муддатда бевосита уруш ва меҳнат fronti фахрийсига ёки унинг қонуний вакилига бериш учун туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига юборилади.

Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази берилган йўланмалар реестрини юритади.

25. Уруш ва меҳнат fronti фахрийсига ажратилган йўланма унинг санаторийда соғломлаштириш вақтига доир талабларига мувофиқ бўлмаган тақдирда бошқа санаторийга йўланма ажратиш ёки соғломлаштириш муддатини кўчириш масаласи, унинг талабларини қондириш имконияти мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, яқка тартибда ҳал этилади.

Ушбу масалаларни ҳал этиш ҳокимликнинг, «Нуроний» жамғармасининг, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасининг вакили ҳамда туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори иштирокида Комиссия тузилади.

26. Санаторийларнинг раҳбарлари тузилган шартномага мувофиқ ўринларнинг зарур миқдорда бўлишини таъминлаш юзасидан шахсан жавоб берадилар.

Санаторий уруш ва меҳнат fronti фахрийларини қабул қилишни ҳамда йўланмада кўрсатилган муддатларда соғломлаштириш учун ўрин беришни рад этган тақдирда уруш ва меҳнат fronti фахрийси яқин жойдаги туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига дарҳол мурожаат қилади, марказ вакили мурожаат қилинган кундан бошлаб бир кундан кечикмай рад этишнинг ҳолатларини аниқлаш ва тегишли чоралар кўриш учун санаторийга боради.

V. Соғломлаштиришга ва йўланмалар учун тўловларга харажатларни молиялаштириш

27. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, давлат ва

хўжалик бошқаруви органлари санаторийларида уруш ва меҳнат fronti фахрийларини соғломлаштиришга харажатларни молиялаштириш Ногиронларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий маркази харажатларининг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган сметасида йўлланмалар учун тўловга ҳар йили мақсадли тартибда назарда тутиладиган бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги санаторийларида уруш ва меҳнат fronti фахрийларини соғломлаштириш улар таъминоти учун ҳар йили назарда тутиладиган бюджет маблағлари доирасида амалга оширилади.

28. Санаторийларда бўлиш қийматини тўлаш учун календарь йилга харажатларнинг чекланган суткалик миқдори ҳар йили 1 октябргача бўлган муддатда, ушбу Низомнинг 2-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатга киритилган санаторийларда соғломлаштиришга йўлланмаларнинг ўртача қийматидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан аниқланади.

29. Ногиронларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий маркази:

10 ноябргача бўлган муддатда — Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Санаторий-курортлар бошқармасига, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари санаторийларига келгуси календарь йил учун йўлланмаларнинг қиймати (харажатлар калькуляцияси билан) ҳамда ўринларнинг умумий сони, шу жумладан уруш ва меҳнат fronti фахрийларини соғломлаштириш учун ажратиладиган ўринлар сони тўғрисида таклифларни олиш учун сўровнома юборди;

1 ноябргача бўлган муддатда — олинган маълумотларни калькуляциянинг тўғрилигини текшириш ва ҳар бир санаторий бўйича у ерда бўлиш қийматини тўлашга харажатларнинг суткалик қийматини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юборди;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ҳар бир санаторий бўйича белгиланган харажатларнинг суткалик миқдорини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Санаторий-курортлар бошқармаси ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари санаторийлари билан шартнома тузади;

молия йили бошида — қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда мазкур календарь йил учун тузилган шартномалар суммасининг кўпи билан 15 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади.

30. Уруш ва меҳнат fronti фахрийлари соғломлаштирилган Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Санаторий-курортлар бошқармаси, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари санаторийлари ҳар ойда Ногиронларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий марказига улар асосида амалда фойдаланилган йўлланмалардан (амалда фойдаланилган кунлар сонидан қатъи назар) келиб чиқиб, тўланган авансни ҳисобга олган ҳолда узил-кесил ҳисоб-китоблар амалга ошириладиган бажарилган ишлар дало-

латномаларини ва ўзаро ҳисоб-китобларни таққослаш далолатномаларини тақдим этадилар.

VI. Санаторийларда яшаш ва соғломлаштириш шартлари

31. Йўлланмадан фақат унда кўрсатилган шахс фойдаланиши мумкин. Йўлланманинг бошқа шахсга берилишига йўл қўйилмайди.

32. Санаторийга келган уруш ва меҳнат fronti фахрийларида паспорти, соғлиқни сақлаш муассасаси томонидан берилган санаторий-курорт картаси (тиббий хулоса) ва йўлланма бўлиши керак.

33. Уруш ва меҳнат fronti фахрийлари стандарт тартиб рақамлари билан таъминланадилар. Уруш ва меҳнат фахрийларини кузатиб келувчи шахсларга, қоидага кўра, фахрий жойлашган палатада жой берилади.

34. Уруш ва меҳнат fronti фахрийлари санаторийнинг даволовчи шифокори тайинлаган барча зарур тиббий муолажалар билан биринчи навбатда таъминланадилар.

35. Уруш ва меҳнат fronti фахрийсининг санаторийда бўлиши тугагач муассаса раҳбари Ногиронларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий марказига йўлланманинг қайтиш (йиртма) талонини жўнатади, унда уруш ва меҳнат fronti фахрийсининг ушбу санаторийда ҳақиқатда бўлган даври кўрсатилади.

36. Ажратиладиган ўринларнинг талаб қилинган миқдорда бўлишини, санаторийларда уруш ва меҳнат fronti фахрийлари учун соғломлаштиришнинг зарур даражадаги сифатини ва қулай шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Нуроний» жамғармаси билан биргаликда ҳар йили камида бир марта санаторийларни ажратилган ўринлари сонининг ва сифат параметрларининг уруш ва меҳнат fronti фахрийларини соғломлаштириш бўйича белгиланган талабларга мувофиқлиги юзасидан текширувни амалга оширади, бунда уларнинг геронтологик хусусиятларини ҳисобга олади ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига тегишли хулосани тақдим этади.

VII. Якунловчи қоидалар

37. Санаторийлар томонидан уруш ва меҳнат fronti фахрийларини соғломлаштириш учун жойларнинг Йўлланмаларни тақсимлашнинг тасдиқланган режасига мувофиқ ажратилганлиги юзасидан жавобгарлик Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда ушбу санаторийлар ўзларининг тасарруфида бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларига юкланади.

38. Йўлланмалар босмаҳона усулида босилган, тартиб рақамига эга бўлган махсус бланкаларда тайёрланади, Ногиронларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий марказининг «1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фрон-

ти фахрийлари учун йўлланма» сўзлари ёзилган тегишли штамп билан тасдикланади ҳамда қайтиш (йиртма) талонига эга бўлади.

39. Уруш ва меҳнат fronti фахрийларига берилган ва улар томонидан фойдаланилган йўлланмалар ҳисоби туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан юритилади.

40. Туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари йўлланмаларнинг ўз вақтида ва мақсадли берилишини, шунингдек уларни беришда навбатлиликка риоя этилишини таъминлайдилар.

41. Ушбу Низомга риоя этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, Соғлиқни сақлаш вазирлигига, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига ҳамда «Нуроний» жамғармасига оқланади.

1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларига қарашли санатория-соғломлаштириш муассаларида соғломлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

_____ туман (шаҳар)
Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази
директорига

_____ манзилида яшовчи
_____ дан

(ариза берувчининг Ф.И.О.)

АРИЗА

Менга _____ йил _____ ойига _____ санаторийсига
(санаторий номи)

йўлланма ажратишингизни сўрайман.

Аризага қуйидагиларни илова қиламан:

паспорт нусхаси;

уруш фахрийси гувоҳномасининг/1941 — 1945 йилларда меҳнат fronti да катнашганлик тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси;

642-модда

— 22 —

52 (I)-сон

соғломлаштиришнинг тавсия этилган йўналиши кўрсатилган санаторий-курорт картаси;

бошқа ҳужжатлар: _____

Мурожаат қилувчининг имзоси: _____

Сана: 20__ йил «__» _____

Аризани рўйхатдан ўтказувчи

(Аризани қабул қилган шахснинг Ф.И.О., лавозими)

Сана: 20__ йил «__» _____

1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларига қаршли санаторий-соғломлаштириш муассасаларида соғломлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Аризаларни рўйхатдан ўтказиш
ДАФТАРИ**

Т/р	Ф.И.О.	Уруш ва меҳнат fronti фахрийсининг тоифаси	Доимий яшаш жойи	Тиббий маълумотноманинг тартиб рақами ва санаси, шунингдек тиббий маълумотномани берган муассасанинг номи	Тиббий маълумотномада кўрсатилган санаторийнинг номи	Санаторийнинг номи, тартиб рақами, санаси, йўлланманинг муддати	Йўлланмани берган масъул ходимнинг имзоси ва Ф.И.О.	Йўлланмани олган уруш ва меҳнат fronti фахрийсининг имзоси	Санаторийга келиш куни	Санаторийдан кетиш куни

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 24 декабрдаги 361-сон қарорига
2-ЙЛОВА

**1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti
фахрийларини Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш
вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши
ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг санаторий-
соғломлаштириш муассасаларида соғломлаштиришга доир
тадбирларни амалга ошириш
СХЕМАСИ**

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги	<ol style="list-style-type: none"> 1. Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларига уруш ва меҳнат фахрийлари рўйхатларини тақдим этадилар. 2. Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари уруш ва меҳнат fronti фахрийлари рўйхатларини фахрийлар яшайдиган жойдаги тиббиёт муассасаларига етказадилар. 3. Тиббиёт муассасалари уруш ва меҳнат fronti фахрийларини мажбурий диспансеризациядан ўтказадилар ва уларга кўрсатмалар бўйича санаторий-курорт карталари берадилар. 	<p>ҳар йили 1 сентябргача</p> <p>ҳар йили 10 сентябргача</p> <p>ҳар йили 1 октябргача</p>
2-босқич	Уруш ва меҳнат fronti фахрийлари	<ol style="list-style-type: none"> 1. Санаторий-соғломлаштириш муассасасига йўлланма олиш учун уруш ва меҳнат fronti фахрийлари туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига белгиланган шаклдаги ариза билан мурожаат қиладилар. 2. Аризада санаторий-соғломлаштириш муассасасига бориш истаги санаси (даври) кўрсатилади. 	йилига 1 марта
3-босқич	Туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази	<ol style="list-style-type: none"> 1. Уруш ва меҳнат fronti фахрийларининг истагини ҳисобга олган ҳолда ариза берган шахслар рўйхатини хоҳиш билдирилган муддат ва соғломлаштиришнинг зарур йўналишини кўрсатган ҳолда шаклантирадилар, уларни «Нуроний» жамғармаси бўлинмаларида келишадилар ҳамда Ногиронларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий марказига юборадилар. 2. Йўлланмалар келганда бу ҳақда уруш ва меҳнат fronti фахрийларини хабардор қиладилар ва соғломлаштириш учун йўлланмаларни расмийлаштирадилар. 3. Расмийлаштирилгандан кейин йўлланмаларни уруш ва меҳнат fronti фахрийларининг яшаш жойига етказадилар. 	<p>ҳар чоракда, чорак охириг ойининг 15-кунигача</p> <p>уч кун муддатда</p> <p>уч кун муддатда</p>
4-босқич	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ногиронларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий маркази	<ol style="list-style-type: none"> 1. «Нуроний» жамғармаси билан биргаликда Йўлланмаларни тақсимлаш режасини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритади. 2. Тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органига келгуси календарь йил учун Йўлланмаларни тақсимлаш режасини етказди. 3. Санаторий-соғломлаштириш муассасалари билан шартномалар тузади. 4. Тузилган шартномаларга мувофиқ уруш ва меҳнат fronti фахрийларини соғломлаштириш учун ҳар йили йўлланмаларни сотиб олади. 5. Ушбу календарь йил учун тузилган шартномалар суммасининг 15 фоизидан ортиқ бўлмаган суммани Молия вазирлигининг Ҳазначилиги ҳисоб рақамидан олдиндан тўлов ўтказди. 6. Олдиндан тўланган суммани ҳисобга олган ҳолда таққослама ўтказди ва санаторийга йўлланмаларнинг тўлиқ қийматини тўлайди (йўлланмалардан фойдаланиш ҳолати тасдиқланганда). 	<p>1 декабргача</p> <p>тасдиқлангандан кейин 10 январгача</p> <p>режага мувофиқ ҳар йил белгиланган муддатда</p> <p>ҳар чоракда</p>

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
5-босқич	Молия вазирлиги	<ol style="list-style-type: none"> 1. Йўлланмага бир суткалик чекланган харажатлар миқдорини белгилайди. 2. Харажатлар калькуляциясини текширади ва ҳар бир санаторий бўйича харажатларнинг суткалик миқдорини тасдиқлайди. 3. Санаторий-соғломлаштириш муассасаларига йўлланмалар ҳақини тўлаш учун маблағларни назарда тутати ҳамда Ногиронларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий маркази харажатлари сметасини тасдиқлайди. 4. Йўлланмаларни тақсимлаш режасига мувофиқ Ногиронларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий марказининг Ҳазначиликдаги ҳисоб рақамига зарур маблағларни ўтказди. 	<p>1 октябрғача</p> <p>20 ноябрғача</p> <p>10 январғача</p> <p>НСПММ буюртмасига кўра</p>
6-босқич	Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари	Уруш ва меҳнат fronti фахрийларига йўлланма ажратиш ва уларни соғломлаштириш юзасидан зарур ташкилий чора-тадбирлар кўриш учун ўзларига қарашли санаторий-соғломлаштириш муассасаларига ҳар ойлик жой ажратиш режасини етказдилар.	ҳар йили белгиланган муддатларда
7-босқич	Санаторий-соғломлаштириш муассасалари	<ol style="list-style-type: none"> 1. Шартномага мувофиқ уруш ва меҳнат fronti фахрийларини соғломлаштириш учун зарур ўринлар ажратилишини таъминлайдилар. 2. Уруш ва меҳнат fronti фахрийларини санаторий-соғломлаштириш муассасаси шифокори томонидан тайинланган барча зарур муолажалар (улар учун қулай вақтда) билан таъминлайдилар. 3. Йўлланма муддати тугагандан кейин санаторий-соғломлаштириш муассасалари Ногиронларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий марказига йўлланманинг талонини юбордилар. 	<p>ҳар ойда</p> <p>йўлланма амал қилиш даврида</p> <p>чиқиб кетгандан кейин 10 кун муддатда</p>

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 24 декабрдаги 361-сон қарорига
З-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг «Ногиронларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий марказини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 17 майдаги 89-сон қарорига киритилаётган қўшимчалар ва ўзгартиришлар

1. 2-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«санаторий-соғломлаштириш муассасалари билан биргаликда 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш».

2. 4-бандга қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:

«1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларига қарашли санаторий-соғломлаштириш муассасаларида

соғломлаштириш соҳасидаги фаолиятни ташкил қилади ва мувофиқлаштиради»;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. 1-илова матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ногиронларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий марказининг ТУЗИЛМАСИ

